

КОМИЛ МАЖИД

ЁНАЁТГАН ГУЛ

Шеърлар

Кўлингиздаги ушбу тўпلام бахмаллик ёш шоир Комил Мажиднинг илк китоби.

Комилнинг касби адабиётдан тамоман бошқа бўлса-да, кўнгли шеъриятнинг доимий ошиғи. Шеърларида некбинлик, интизорлик, ошиқона туғён, гоҳо саркашлик, гоҳо сўфиёна дарвешлик туйғулари кўришиб қолади. Муҳими, улар жўнликдан йироқ.

Аминмизки, мазкур шеърлар сиз азиз ўқувчиларга маъкул бўлади.

* * *

Бу ишқ қалбим ардоғидан таралган нур,
Бу ишқ қалбим даргоҳидан топилган дур.
Ватан ишқи юрагимда сўнмас сурур,
Ватан дарди қалбда мангу муҳаббатдир.

Жаннат ҳурлар, малакларга макон бўлгай,
Юрак нурлар, тилакларга дўкон бўлгай.
Муҳаббатли юрак дардга ватан бўлгай,
Ватан дарди қалбда мангу муҳаббатдир

Азим тоғлар улуғлигин кўтарган эл,
Азиз кунлар бўлмоғини кутолган эл.
Мунаввар тонг отиб нурга етолган эл,
Ватан дарди қалбда мангу муҳаббатдир.

Қадим кўнглим кенглигида руҳим баланд,

Бугун дунё томларида туғим баланд,
Куёшим бор, юлдузларим, моҳим билан,
Ватан дарди қалбда мангу муҳаббатдир.

Соғинчлардан самоларга сочилган ишқ,
Ҳақдан суйган бандасига ёғилган ишқ,
Комил Мажид учун дилдан туғилган ишқ,
Ватан дарди қалбда мангу муҳаббатдир.

22.04.2010

ТИЛАК

Тилаб топган тилагим,
Йиғлаб ётган юракдир.
Энди менинг керагим,
Юракми ё тилақдир.

Умид – асли нимадир,
Шохдан узилган япроқ.
Етса кўнгил етадир,
Етмаса етар тупроқ.

Йиғлаб-йиғлаб кутганим,
Йиғлаб берган фалақдир.
Толёимдан топганим,
Ул бевафо малақдир.

Мендан сўрама тақдир,
Қисматим битган Тангрим.
Балким, қисматим шулдир,
Йиғламоқ истар – кўнглим.

Эҳ менинг ушалмасдан,

Қолган болалик орзум.
Ҳали телба юракдир,
Билмайди сира қарзим.

1999 йил

ЖУМБОҚ

Дунёга келади йиғлаб чақалоқ,
Кўз ёши ювади мўъжаз ёноғин.
Чақалоқ йиғиси бизларга сабоқ,
Йиғлаган гўдакнинг недир гуноҳи.

Дунё аламларин англарми андак,
Ёш бўлиб оқарми дилдаги алам.
Адашиб келдим деб йиғларми гўдак,
“Онажон бу дунё ғурбатми ё ғам”.

Йиғламоқ азалми, йиғламоқ абад,
Гарчи умр ўтар, кўзга тўлиб ёш.
Йиғламоқ қисматми, йиғламоқ ҳикмат,
Чеккан азобларни юварми кўз ёш.

Дунёга келаркан йиғлаб ҳар инсон,
Хуш нечун – ҳаётнинг қадрига етмас.
Яхшилиқ қилсайди, қилсайди эҳсон,
Балки дунё дондек сочилиб кетмас.

20.02.1998

* * *

ЮРАК – Муҳаббат демак

У азобнинг хумчаси.

КЎНГИЛ – Оппоқ атиргул
Муҳаббатнинг ҳожаси.

МУҲАББАТ – Азобли роҳат
Ҳижрон қучган бахт.

ҚАЛБ – Бу недир ё раб
Одам учун ягона давлат.

СЕВГИ – Қалбдаги йиғи
Истаган жойига тўкилаверар.

ДИЛ – Булбулдаги тил
Гулга қўнса қўшиқ тўкилаверар.

18.05.1998

* * *

Фақат сенинг борлигинг саҳих,
Қолган ҳамма-ҳаммаси ёлғон.
Фақат менинг дилимда тенгсиз,
Битта гул бор, биттагина – ном.

Кўнгил нима? Аслида ғариб,
Ҳамда буюк соҳиби-имон.
Унга ортиқ бермасман таъриф,
Битта гул бор, биттагина – ном.

У бахтимми, бебахтлигимми,
Балки қилар бир куни бадном.
Ардоқлайман қабариб қалбим,

Битта гул бор, биттагина – ном.

Ўша гул – сен, ўша ном – исминг.

14.02.2000

* * *

Руҳим карахт, ишқ – ҳоким,
Кўнглимда дард йиғлайди.
Фақатгина тан сокин,
Кўнгил дардин билмайди.

Дилим – уйғоқ, тил – доим,
Аллалайди – телбасин.
Киприкларим тўрдаин,
Ўтказмас ишқ шарпасин.

Сизга етмас азизам,
Бир муҳаббат қиссаси.
Адо қилар етсаям,
Сизни ғамим биттаси.

Руҳим – карахт, ишқ – ҳоким,
Фақат сўзлар кўнглима.
Билдирмасдан тан доим,
Кулиб турар жимгина.

12.12.2000

ЧОЛИҚУШИ

Кўзингизда жилмаяди ғам,

Ғам аслида севги сояси.
Чирок ёқиб сизни изламам,
Сиз дилимда ишқ ҳикояси.

Шундоқкина юрак устида,
Чопқиллайсиз гўдак боладай.
Кўксимга армонлар тўлдириб,
Кетасиз бир зумлик жаладай.

Ҳар доим киприкла эркалаб,
Аллалаб қошимга ўрайман.
Ҳар тола сочимдай сийпалаб,
Дўппимда яшириб яшайман.

10.12.2000

* * *

Кўнглимнинг энг ҳарир либоси – севги,
Кўнгилнинг бир пари ибоси – севги.
Менинг шу кўнглимдан ортиқ нима бор,
Кўнгилдан томган шеър маъноси – севги.

Севгидан туғилар ҳар битта қисмат,
Севгидан ҳаётим мунаввар ҳар вақт.
Худойим омонат этган дунёда,
Севгилар – абадий, абад муҳаббат.

14.02.2002

* * *

Юрагимга яширдим исминг,

Зор эланди зарварақларим.
Сен – дилингла асраган сириг,
Менга айтди қорачуқларим.

Термуламан, энди сен нигоҳ
Қарашидан йироқ кетмассан.
Сен – яхшими, ёмонми, бироқ
Кечолмасман, сира кечмасман.

Олиб қочма нигоҳинг – мендан,
Кўзларингни яшира кўрма.
Сени излаб юрмай йироқдан,
Сен – қалбимга қўйилган сурма.

Изтиробим тўксам-да шеърга,
Сен яшайсан қалбимда абад.
Сени ўраб юраман нурга,
Қалбим асрар сен учун бир бахт!

13.05.1998

* * *

Ёмғир ёғди, яна ёмғир,
Бунча дилни эздингей.
Ҳамдардгинам булут кургур,
Яна дардим билдингей.

Армон – нима, нимадир – ғам,
Яна мендан истама.
Дардларимга шериккинам,
Бунчалар қон йиғлама.

Дунё – азал шундаймиди,

Ё мен англаб етмадим.
Қайда – қалбим, қайда – севгим,
Излайвердим – топмадим.

Нетай ишққа ҳамон банди,
Пойида бир хасдирман.
Ололмасман сенинг дардинг,
Ўз дардимга мастдирман.

04.03.1999

АРМОН

Қачондир айтганман жимгина,
Қачондир билгансан бу сўзни.
Қачондир сен менинг кўнглима,
Солгансан кўкдаги юлдузни.

Афсуслар ўртайди, афсуслар,
Дилимда қолганди бир сўзим.
Самодан термулган юлдузлар,
Эслатар соғинган юлдузим.

Қачондир айтолмай қолганман,
Қачондир кутгансан бу сўзни.
Қачондир бир зумга кетганман,
Тополмай қолганман шу изни.

Дунёси аёвсиз бешафқат,
Қисматнинг кўлида бўлганман.
Ҳозирда рўёман мен фақат,
Қачондир хажрингда ўлганман.

Афсуслар қийнайди, афсуслар,

Дилимни зорлатар у сўзлар.
Самодан термулган юлдузлар,
Эслатар – кечалар, кундузлар.

19.07.1999

БИЗНИНГ СЕВГИ

Бизлар ҳам бир бора севгандик,
Одамларга эрмак бўлолди.
Минг марта тўкилган эртақдек,
Бизнинг ҳам севгимиз яралди.

Баҳорми, ёзмиди кўрганим,
Сочингни йўқ ҳали ўрганинг.
Қолибман жуда ҳам ўрганиб,
Бизнинг ҳам севгимиз яралди.

Кимларга муҳаббат – оғриқдир,
Кимларга муҳаббат – ёрликдир.
Аллоҳдан бизларга – тортиқдир,
Бизнинг ҳам севгимиз яралди.

Оймомо аталди ой тўлиб,
Севгимиз улғайди – ғам бўлиб.
Ёнингда турса ёр жилмайиб,
Ким ҳам ишқ қадрини биларди,
Бизнинг ҳам севгимиз яралди.

19.06.1999

* * *

Лаҳзалар, лаҳзалар, лаҳзалар,
Бу ҳаёт лаҳзадан безалар.
Лаҳзалар жамулжам бўлганда,
Бир лаҳза – умр, деб аталар.

Лаҳзалик умримни мен осмон,
Ой, юлдуз қадар деб билдимми.
Наҳотки шунчалар гул инсон,
Мен фақат ўзимга кулдимми.

Бир нодон бўлса ҳам – мен ўзим,
Бир шодон дамларни истадим.
Лаҳзалик умримни фалакдан,
Ёғилган хазонга беладим.

Эҳ! Умр ўтди-ку бетайин,
Энди-чи алвидо айтайин.
Дунёнинг дарсидан йироқлаб,
Бир лаҳза бағрига сингайин.

Лаҳзалар, ўткинчи лаҳзалар,
Бу ҳаёт лаҳзадан безалар.
Лаҳзалар жамулжам бўлганда,
Бир лаҳза, Комил, деб аталар.

13.04.1999

* * *

Паноҳингда паноҳ топиб йиғлаганим,
Кечир менинг – билганиму, билмаганим.
Озмидики бизнинг кўрган кўргуликлар,
Борми ҳали азоблардан кўрмаганим.

Толеъ бизнинг бахт ҳам ярақларми,
Ёки ҳижрон яна дилни варақларми.
Ишқ дафтарин бир кун ўқиб қолсак гулим,
Жавоб борми ёки фақат сўроқларми.

Юрагимга тўлиб кетган ғамлар бугун,
Ўйлай десам кўринмас хуш дамлар бугун.
Ойнинг ойдин ёғдусида юравериб
Билмабмизда керак экан шамлар бугун.

Нетай, ойнинг юзи аввал куйган экан,
Мен келгунча дунё шундай бўлган экан.
Бу дунёнинг балосидан омон қолган
Комил МАЖИД асли ишқда ўлган экан.

1999йил

ЯШИЛ САНАМ

Негадир бунда гул оловда ётар,
Фасллар алмашмас кунлар тилиниб.
Рухимда ҳар фасл сарғайиб ўтар,
Соғиниб жавзони – жийда гулини.

Бунда рух - сарикдир, вужудим – сарик,
Истайди баҳорни – найсон селини.
Айрилиқ топади, висол ахтариб,
Соғиниб жавзони – жийда гулини.

Кўкламга етолмай – кўнгил йиғлайди,
Оқизиб кўздаги – алам шўрини.
Менинг истакларим – рух истамайди,
Соғиниб жавзони – жийда гулини.

Мен нетай ёқмаса, лойли танамни,
Совуриб бўлмайди кўкка кулини.
Дил маскан истайди – яшил санамни,
Соғиниб жавзони, жийда гулини.

05.02.2000

* * *

Тирнаётган дарднинг, тирноғи – хасрат,
Келмаётган марднинг, оёғи – узлат.
Кунмаётган шартнинг, бармоғи – мухлат,
Чорлаётган бахтнинг, қароғида – гард,

Чикмаётган гарднинг, муддаоси – б а х т !

02.04.2000

* * *

Машъалам бўлгин гулим,
Муҳаббат – маёғимдир.
Оқ қоғоз бўлса юзинг,
Лабларим – сиёҳимдир.

Шеър бўлиб қолсин бу тун,
Икки кўнгил бирлашиб.
Дилда йўқ бўлсин тугун,
Ўйнасин бахт сирлашиб.

Кулсин-ой, кун – йиғласин,
Ёниб – ҳасад, хавасда.
Бу оқшом бизга бўлсин,

Ёлғон дунё бир пасга.

Гул эмас, мен сенга деб,
Инжудан зарлар тўкай.
Кўзларингдан эрталаб,
Хайратимни ахтарай.

02.04.2000

ҲИЖРОН СОНЕТЛАРИ

Соғинч – бўғар, қотил – соғинчи,
Армон бешигига беладим.
Сен – кўзингда кулган севинчдан,
Кимнинг кўзларига атадинг.

Алла айтиб ухлатди хазон,
Кўмди юмшоқ бағрига тупроқ.
Йиғлаб қолди қуйимда – мезон,
Эсламади бир яшил гиёх.

Ўзим билган ўзим эмасман,
На хорман, на азим эмасман.
Яшашни ҳам истамай қолдим.

Уйғотгансан, уйғотолмайсан,
Ухлаб қолдим, ухлаб тўймасман.
Курашданмас, яшашдан толдим.

20.01.2000

* * *

Куйим – куйиб ётган осмон,
Зорим – айтилмаган достон.
Сирим тойиб кетди эссиз
Рухсорингга етолмасдан.

Оҳим – оқиб ётган дарё,
Юзинг – тушимдаги рўё.
Ёнаяпман, аслида сен
Бирга ёнмас, ёнар дунё.

Рўмолингнинг бир четида,
Айланади етти фалак,
Ҳамда менда қолган тилак.

Кулиб куйсанг хаёлимда,
Чидамоққа ожиз юрак.
Фақат бирга ёнмоқ керак.

21.05.2000

* * *

Кўнглим, гардингдаги оҳларга қара,
Дардисар бўлмасанг дард йўқламайди.
Сен – дардингни асра, бўлмасам сира,
Сендан бу туришда шеър туғилмайди.

Дард – ҳомила бошлаб келади севса,
Тангрим суймаганга дард илинмайди.
Ҳомила сақлолмай тушириб қўйсанг,
Сендан – бу туришда шеър туғилмайди.

Кўнглим! Кунчувоқда ётмагин – кўнглим,
Зулматдан ўтмасанг тонгинг кулмайди.

Асли сенга дардкаш, ягона – дардинг,
Сендан – бу туришда шеър туғилмайди.

Онам дедим, сени эй, қора тупроқ,
Тупроққа етгунча дил севинмайди.
Ёрил, вужудимга ёйилсин титроқ,
Сендан – бу туришда шеър туғилмайди.

Кўнглим! Комил Мажид деган тананг бор.
Танангга ишонма, у ҳис билмайди.
Ўзинг яратмасанг битта тановор,
Сендан – бу туришда шеър туғилмайди.

14.04.2000

* * *

Бола эдим бебошлик
Юзимдаги чизиклар.
Эссизгина болалик,
Энам айтган ўғитлар.

Бунда йўқ дунё ками,
Кўксим тўла, лиқ – юрак.
Самимий қулгиларим,
Кўкка ёйдим – камалак.

Бола эдим – беқулоқ,
Қолмасдим билганимдан.
Йиғлоқи, тўпорироқ,
Шодланардим ғамимдан.

Бола эдим – юрагим,
Ўшандаям бор экан.

Эссизгина юрагим,
Энди санчилган тикан.

Қора кўзим киргайиб,
Сен томонга бораман.
Мен бир куни кичрайиб,
Бола бўлиб қоламан.

20.01.2000

* * *

Сўзим тинар лабларимда зум,
Шу манзилда тугайди йўлим.
Ҳар ким учун бордир бир удум,
Хайр жоним, хайр севгилим!

Дунё шудир бир куни бир ғам,
Ёпиб қўяр иккала кўзим.
Қолар сизга кимсасиз кулбам,
Хайр жоним, хайр севгилим!

Ёлғонларга қилмайман тоқат,
Рости фақат дунёда ўлим.
Менга насиб бўлмаепти – ҳақ,
Хайр жоним, хайр севгилим!

Мендан гина қилганлар узр?
Сизга бўлсин нимаки сўлим.
Қайта-қайта сўрайман маъзур,
Хайр жоним, хайр севгилим!

Кетаяпман бошқа арзим йўқ,
Сизга силкиб қоламан қўлим.

Комил Мажид бўлак тарзим йўқ,
Хайр жоним, хайр севгилим!

27.10.2000

* * *

Кўрганим дунё эмас,
Ёнгунча шамингизда.
Ҳижрон сира қийнамас,
Хол бўлсам лабингизда.

Гам кирар кўксим очиб,
Ёқмасам таъбингизга.
Қайтаман дунё келиб,
Охири пойингизга.

Кетмангиз, кетарман деб,
Дил ёнар ўтингизда.
Ҳеч курса йўқлаб тулинг,
Бир энлик хатингизда.

Танда дармоним тугаб,
Етмасам кўзингизга.
Лабингизга сирпаниб,
Йиқилай юзингизга.

2001 йил

ЁНАЁТГАН ГУЛ

Сира очилмади бахтим баҳори,
Сира йўлиқмади йўлимда майса.

Фақат сағаноқнинг олов тошлари,
Нетай товонимни қонатаверса.

Бирам тақдиримдан топгандим тилак,
Соғиниб кутдимей сабрингизни.
Ажалга етгандай кўзимиз юмсақ,
Қайта санайверсак кипригингизни.

Суйиб сағаноқнинг оловчалари,
Товонимни узиб кўнгил сўради.
Дилнинг ишққа талаш хаёлчалари,
Ҳечам ўзингиздан кета олмади.

Узр, очилмаган бахтим – баҳори?
Бир сизни изладим, шеърни қиртишлаб.
Кўёлсангиз бўлди найсон сингари,
Ёнаётган гулнинг ёноғига лаб...

26.03.2001

* * *

Такдир... - дедим,
Бошқа сўз айтмай
Оҳиста юзимга кўлимни ёпдим.
Фотиҳа ўқидим,
Чойимни ичмай.
Туриб кетдим охир шу йўлни топдим.
Ханжар... - дедим,
бўлак калом йўқ
оҳиста кўзимдан тўкилиб кетдинг.
Жаноза ўқидим,
жамоат айтмай,
Муҳаббат, кафансиз кўмилиб кетдинг.

15.03.2001

ҚОЛДИ СЕВИЛМАГАН БИР ГУЛ НИГОРИМ

Нигоҳларим синади чил-чил,
Кўзларимнинг тўлар шишаси,
Оқиб кетар йиғлоқи кўнгил,
Кезар фақат ҳиссиз шарпаси.

Эркам менга тутганинг шуми,
Шу бўлдими сендан топганим.
Ёниб битмай кўнгилнинг шами,
Тугайдими менинг эртагим.

Тўкилмаса бўлмасмиди дил,
Яшайверса нетарди севги.
Кезолмайман дунёни бедил,
Яна бир дил сўрайман Тангрим!

03.05.2001

* * *

Ажабтовур дунё қачон йўқолди,
Кафтимни очаман – нимаси қолди.
Кўнглимнинг гардида битта капалак,
Кўксимда йиқилиб ётибди юрак.

Юракнинг қатидан топдим битта шеър,
Мозийдан кўнглимда хазрат Алишер.
Тақдир талх таъмини тугатолмади
Ўрнига ҳаётим тугади маним.

Азизам – тақдирдан ёрилган коса,
Умрдан ягона армон хулоса.
Синиғин ямаган савдойи сабр,
Заминдан тегсайди тенги йўқ қабр.

Очунни очолмас беақл ақл,
Ақлдан қолгани шу битта нақл.
Қолди севилмаган бир гул нигорим,
Лекин ҳамон севар тенгсиз мозорин.

21.06.2001

* * *

Мен – тақдир тошига осилиб олиб,
Айрилиқ даштига отилган жонман.
Кўпдан кўзингизга кўзимни тикиб,
Интизор яшаган зор Комилжонман.

Умрнинг омонат япроқларига,
Ишониб хазонга айланиб қолдим.
Минг йилки эрмакка гулни тарошлаб,
Ўзим юрагимга тиконлар солдим.

Бугун дил тиконлар исканжасида,
Очилмаган оппоқ гулини эслар,
Исминг гўзал эди, гўзал Осуда,
Энди юрагимни шу исм асрар.

Мен нима? Энди ҳам тақдир рақсига,
Чапак салайинми, ўйнаб берайми...

04.08.2001

* * *

Бир хазин хасрат этарман,
Бир узун арқоги бор.
Бир насим излаб топарман,
Бир хазон япроғи бор.

Тердимамай синган сўзингиз,
Бир узун шеър, бир ғазал.
Мен ўтиб кетсам ўзингиз,
Куйлангиз деб Гуласал.

Куй дилим куйдан яралган,
Бағрида бор ғам тори.
Сиз ахир менга аталган,
Куйган ишқим дилдори.

Дунёда бир топганим,
Севгининг гавҳартоши.
Фақат сизга етмадим,
Ё етмади бардошим.

Кўнглимни олманг нигорим,
Олмоқнинг бермоғи бор.
Истамам, лекин кетарга,
Ажалдек ўртоғим бор.

10.09.2001

ЯШАМОҚДАН ТОНГАН ЮРАК

Бўлди бундан бўлак ғам қидирмайман,

Дардим туюлади қип-қизил эртак.
Ташвишлардан бошим кўтаролмайман,
Энди муҳаббат ҳам шунчаки эрмак.

Энди қалам нима, қоғоз не даркор,
Шеър ёзиб бошимни қотиргим келмас.
Аёл – атиргулми, тиконми – дилдор,
Юрак – юрак билан ўйнаб ўтирмас.

Бир лаҳза шу хаёл измида кезиб,
Жимгина яшамоқ дардида ёндим.
Лаҳзада ошолмай юракни эзиб,
Яна азобларни соғиниб қолдим.

Энди бас, ортиқча юрак чидамас,
Қолмаяпти жонсиз жасадимдан фарк.
Сен менинг дард яшар хасратимданмас,
Яшашни истаган юрагимдан кўрк!

12.11.2001

* * *

Кетай десам, кетказгани қўймайди,
Бошим чиқмас балолардан, қарғишдан.
Кўзингизни менинг кўзим қиймайди,
Кўзингизда севгим яшар, фариштам.

Олай десам олти тоғни олгум бор,
Берай десам мажнундан зўр севгим бор.
Фақат сизнинг кўзларингиз беғубор,
Кўзингизда севгим яшар, фариштам.

Дод соламан қўлим тегар осмонга,

Жой қолмасин кўзингизда армонга.
Менинг севгим – мени севгим инсонга,
Кўзингизда севгим яшар, фариштам.

Бу кўзларга хали камдир таърифлар,
Бир кун ётар қабоғида таажжублар,
Йиғлаб ўтар,
куйлаб ўтар экан Комил Мажидлар,
Кўзингизда севгим яшар, фариштам.

04.09.2001

* * *

Кипригим қайирар кўклам еллари,
Кўнглимда уйғонган бир ҳисни туйдим.
Кўнглим гўзалликни топган кунлари,
Баҳор қучоғида Наврўзни кўрдим.

Узоқ юрдим бугун бир лаҳза ғамдан,
Бахтнинг этагидан ушлаб югурдим.
Туйғуларим сизга етолган кунда,
Баҳор қучоғида Наврўзни кўрдим.

Эркалади булбул гулни осуда,
Мен ҳам миттигина юракни тилдим.
Хамалнинг илк тонги қадамжосида,
Баҳор қучоғида Наврўзни кўрдим.

Бугун тилагимга олам етмади,
Қолганин дилимга яшириб қўйдим.
Фасллар – эркаси, йил – маликаси,
Баҳор қучоғида Наврўзни кўрдим.

14.03.2001

СЕВГИ

Ёмғир эзиб ёғди
Дардим кўкарди.
Ёмғир бўлиб тўкилди
Севгим.
Юрак томонлардан
Бир насим эсди.
Ёмғирларга насиб этдикми
Кўнглим?!
Сенинг кўнглинга ҳам
Ёғдими ёмғир.
Шаффоф томчилари
Ювдми сочинг?
Менинг юраккинам
Нимага оғрир,
Тилиб ўтдимикан
Ёки нигоҳинг?
Умрим йўлагиди
Халқоб чайқалди.
Чўкиб кетганмиди
Ё унга бахтим?
Наҳот яна мени
Аллов алқайди,
Алданиб яшайди
Токайга кўнглим!
Менинг юрагимдан
Ёмғир тинмайди.
Ёмғир дунёсидан
Келмайди кетгим.
Тушунгин барибир
Сени излайди

Ёмғирли йўлакда
Шалаббо кўнглим.

23.10.2001

* * *

Дунёдир лаҳзада ўтар куни бор,
Қиз бахти осилган палахмон тошга.
Сизга тополмадим сиздай беғубор,
Кимга берай сизни кўнглимдан бошқа?

Гар тепсам қисматим армон ёғилар.
Умидим шошилар армон бўлишга.
Сизни ўйлайверсам кўнглим сузилар,
Кимга берай сизни кўнглимдан бошқа?

Кўнглим туридаги ишқим не атай?
Хадим сиғмас сизни гулдек силашга.
Гулданда пок бўлинг, ўзим ўргилай,
Кимга берай сизни кўнглимдан бошқа?

Ҳаётим дарсидан йироқлаб кетсам,
Ҳаққим йўқдир сизни кўрмай ўтишга,
Нетай ўзимдана сизни қизғонсам,
Ҳеч кимга бермайман кўнглимдан бошқа!

Кўнглим – сизникидир, сиз – кўнглимники!

30.10.2001

* * *

Юрагимнинг сим-сим сири,
Юрагимга ботиб кетди.
Кимга – оғу, кимга – дори,
Кўпга текин сотиб кетди.

Гина қилманг жўрагинам,
Гинадан дил қотиб кетди.
Сирдошликка ярашмади,
Ярашмас тил ғолиб кетди.

Ўзидан кўп ишонганим,
Ғафлатларда қолиб кетди.
Чидолмади ошиқ сирим,
Тилим билан юриб кетди.

Ажаб дунё ажабланманг,
Ҳали кўпи қолиб кетди.
Лекин энди сир сўраманг,
Сирим эрга тегиб кетди.

08.11.2001

* * *

Бир кўз қарашида юргим келяпти,
Муҳаббат мулкида қолгим келяпти.
Сизнинг кўнглингизга ёқолмасам ҳам,
Юракка қўшилиб ёнгим келяпти.

Кўзимни куйдирсин қайноқ ёшлари,
Кўксимни тўлдирсин қийноқ тошлари.
Умримда бир марта қаймоқ тишладим,
Ул дам нафасига қайтгим келяпти.

Осмон кенг бўлса ҳам, кўнгил бўлолмас,
Кўнгил кенг бўлса ҳам, бўлак сиғолмас.
Юсуф – муҳаббатдан хушрўй бўлолмас,
Севгидан-да гўзал бўлгим келяпти.

Омонлик берсангиз кўпни кўрармиз,
Сизни унутармиз, шеърдан кулармиз.
Балки паривашни севиб қолармиз,
Бунақа яшашдан ўлгим келяпти!

13.11.2001

* * *

Бошим олиб кетай десам,
Сизни кўзим қиймас экан.
Юрагимни сотай десам,
Текингаям олмас экан.

Кўзларимнинг сўқмоғида,
Сиздан бўлак юрмас экан.
Қисматимнинг ирмоғидан,
Наҳот бир бахт томмас экан.

Сизга бир бахт беролсайдим,
Сизсиз бахтим кулмас экан.
Сизга юрак эколсайдим,
Менда юрак унмас экан.

Сабрим синар синиғидан,
Шайтон ўтиб қўймас экан.
Муҳаббатим ариғидан,
Кўнглим ҳечам тўлмас экан.

Армонлардан ортмай қолай,
Бахтим сизга етмас экан.
Ёнай ишқда, фақат ёнай,
Юрагингиз сиғмас экан.

27.12.2001

ГУЛЛАЁТГАН ЮРАК

Кўксим ёрар энг гўзал тилак,
Нари турар жой етмай фалак.
Гулляпти бу қонли юрак,
Бошқасини нима қиламан.

Очсам сенга очдим юрагим,
Нима қилиб қўйдим юрагим.
Ё чинданам куйдим юрагим,
Бошқасини нима қиламан.

Энди нима қиламан жонни,
Ё ховучлаб юраман жонни.
Ё бошимга ураман жонни,
Бошқасини нима қиламан.

Кулиб турар армон беғубор,
Йиғлаб яшнар осмонда баҳор.
Бундай гўзал хаёл қайда бор,
Бошқасини нима қиламан.

Ёрилган шу кўксим сени дер,
Мен тўхтасам аксим сени дер.
Бахтсизлигим, бахтим сени дер,
Бошқасини нима қиламан!

Бошқасини нима қиласан?

30.12.2001

* * *

Хукм ўқилади. Энди мен осий,
Энди мен тақдирнинг якка хатоси.
Куйик юрагимда тинганидай куй,
Бир хазон пинжиги сиғдим, илоҳи.

Ким ҳам соғинарди содда нигоҳим,
Сизга пичирлайди тақдир садоси.
Менга сатрларим бўлар мунажжим,
Бир қатор шеър бўлиб қолгум, илоҳи.

Гул ўпиб тўймасам тикон тўйдирар,
Шудир балки умр, ҳаёт маъноси.
Балким энди мени илонлар суяр,
Заҳар тилим болдек ёрар, илоҳи.

Жимгина йўналсам йўлимни бурманг,
Биламан мен тақдир якка хатоси.
Лекин бу ҳолима мийиғда кулманг,
Ортимдан борарсиз билдим, илоҳи.

Сиз севиб қоларсиз ҳукмлар бекор,
Бекор бўлар барча қилагн гуноҳим.
Мен осий эмасман, ошиқман бедор,
Мен бахтли бўламан бешак, илоҳи!

04.01.2002

* * *

Азобларинг истаяпман мен,
Ўша – дилим ўйган каззобни.
Саробларни севаман тушун,
Топмадим ул қалар лаззатни.

Юлдуз нима? Олов тераман,
Жоним нима? Нисор этишга.
Киприкларинг яна ўраман,
Шошиламан сени кутишга.

Айланаман бир ховуч тилак,
Ва бир томчи кўз ёш бўламан.
Бардош бўлиб туғилар юрак,
Ўлсам сени қучиб ўламан.

Дил ёнаяпти, сегоҳим қани,
Куйдай куйиб йиғлайвераман.
Умрим ойдин бўлса ҳам қора,
Атиргулим ўйлайвераман.

Мени кутиб олармисан айт?
Азобингни берармисан айт?
Мен ўтмишга қайтиб боряпман
Сенам мени севармисан, айт?!

07.01.2002

* * *

Бу дунёда номардлар кўп,
Кўнгил синар ҳар дамда.
Менинг сендан яқиним йўқ,

Сен – битгасан, сен – битта.

Ажабланма гар юрагим,
Силайверсам хайратда.
Оғриғимсан, оғирлигим,
Сен – битгасан, сен – битта.

Муҳаббатим балки хайр,
Ўтар балки ғурбатда.
Айтолмайман, лекин хайр,
Сен – битгасан, сен – битта.

Кимлигимни ўзим билмай,
Севавердим ғафлатда.
Фақат манам кўп эмасман,
Мен – биттаман, мен – битта.

09.01.2002

* * *

Балки менинг кулмас омадим,
Балки бошқа имтиёз бўлмас.
Балки менинг яхшимас феълим,
Суймаганга суйкангим келмас.

Қанча мағрур, ожизман шунча,
Кўзим шодмон, юрагим кулмас.
Ёнимда-ю олиссан қанча,
Суймаганга суйкангим келмас.

Меҳрибон дил меҳрга ташна,
Қайси кўнгил қадрин соғинмас.
Йиқилсам ҳам юрагим ушлаб,

Суймаганга суйкангим келмас.

Доим икки ўтдир “паноҳим”,
Фақат сира бахтим йўқламас.
Юрагимга қамаб нигоҳим,
Суймаганга суйкангим келмас.

Менинг бахтим нимадир асли,
Фақат сен – шод, бахтли бўлсанг бас.
Кетаяпман гар яна қайтсам,
Мени – кўкка, камалакка ос.

24.01.2002

* * *

Тўғриси, кўнглимда хасратларимни,
Тўкилиб кетгунча термоқчи бўлдим.
Ўзимча ой билган ҳайратларимни,
Фақат юрагига термоқчи бўлдим.

Беҳосдан топганим – хатолар улфат.
Юракда ўсгани бахтми ё кулфат.
Барибир борим шу танҳо муҳаббат.
Фақат юрагинга термоқчи бўлдим.

Йиғлатиб яйрайди афсуслар бизни,
Йўқлайди шодланиб маҳзунлар бизни,
Мен-чи соғинганим афсунгар қизни,
Фақат юрагимда кўрмоқчи бўлдим.

Айблардай эгилар ҳазин юрагим.
Ишқин бўлиб турар оппоқ билагинг.
Хатоликмасми деб топган йўлагим,

Ғақат юрагиндан сўрмоқчи бўлдим.

Қошингдай теришиб боряпти умрим,
Чиройли жилмайиб сўляпти умрим,
Тўкилган қошлари қолятган умрим,
Ғақат юрагиндан топмоқчи бўлдим,

Тўғриси, кўнглим бир суйилиб кетди,
Ҳасратим тергунча куйилиб кетди,
Тингламасдан қошинг уйилиб кетди,
Энди юрагимни сотмоқчи бўлдим,

Харидор бормикан, харидор – кўнгил,
Юрак дарддан тирик, дард билан енгил,
Узиб бормоқчиман юракдан шингил,
Юраксиз бир яшаб кўрмоқчи бўлдим.

12.02.2002

* * *

Сендан бир ширин дард, армон – хотира,
Тағин куёши йўқ осмон – хотира.
Мен дунёдан кўксим тўлиб ўтяпман,
Кўксимни тўлдирган уммон – хотира.

Ва бахтдан энтикиб, телбаланган – дил,
Эринмай йўқлиган, оғриқ – хотира.
Кўлимда қовжираб, умаланган – гул,
Бекасин топмаган, тортиқ – хотира.

Ҳозир қай манзилда юрибди ришта.
Шодумон бир кунлик, висол – хотира.
Ўрганган бир умр сени кутишга.

Савдойи нигоҳим, азал – хотира.

Сендан топган туғён, ҳисларга шукр,
Улардан мактублар ё шеър – хотира.
Ғийбатчи қизлардан “ажойиб” макр,
Ҳамда менда куйган, бағир – хотира.

Эсламай бўлмайди унутган билан,
Ҳар нима ўчса ҳам, омон – хотира.
Истагим бир куни эсласанг сенам,
Комилдан қолмасин, ёмон – хотира.

30.01.2002

* * *

Ҳеч кимга айтмаган сўзларингни айт,
Ҳеч ким эшитмасин такрор бу сўзни.
Бу сўздан нафармон гулласин юрак.
Хуш бўйига кўмиб ташласин бизни.

Ҳеч кимга ўхшамас севгимиз – севгим,
Ҳеч ким тополмайди бундайин бахтни.
Кундан-кунга тўлиб бормоқда бағрим,
Такрор кўргим келар бахтли нигоҳни.

15.10.2002

* * *

Соғинаман ёнингда ҳам,
Сири боқиб тўёлмайман.
Юрагимни шодликка ҳам,

Ва ё ғамга қўёлмайман.

Ушлаб туриб кўлларингни,
Кўзларимга босгим келар.
Рўмолинга сочларингни.
Қизғонаман рашким келар

Сўз айтишга ожиз тилим,
Дилим тўлиб тилинади.
Индамасдан шу кўзларим.
Сенга бир бахт илинади.

Айроликнинг талҳ таъмидан,
Азобидан қочгим келар.
Вужудингнинг гулханидан,
Ёнгунимча кучгипм келар,

Бу дунёга ўшал дамда,
Бор дунёмни хайр этаман.
Чўкиб қаро кўзларинга
Умрим бўйи сайр этаман.

23.03.2002

* * *

Нигоҳимга чайилар юзинг,
Рангим тортар пушти рангларинг.
Кўзларингдан томган севгини,
Тутиб олмоқ бунчалар ширин.

Ўртамизда изғийди – ришта,
Бўлаётгандай ҳаммаси тушда,
Ўргимчакдай ўраб ташлайди,

Такдир бизни битта қарашга.

Нигоҳимдан очилар хуснинг,
Билолмасдан ёнаман аслинг,
Нималигин англаёлмайман,
Кезар фақат тилимда исминг.

Бу берилган гўзал бахт бизга,
Балки қайтмас бошқа вақт бизга,
Кетаяпман нурдай тозариб,
Бундан ортиқ бахт йўқ – бахтсизга.

27.04.2002

СОҒИНИБ БОРАЯПМАН ТЎКИЛИБ (туркум)

Яшириб яшашдан чарчадим,
Чиндана қийнадим юракни.
Қайтадан мен уни соғиндим,
“Кетдик”лаб қийнаган малакни.

“Кетдик”лаб югургим келяпти.
“Йўқ-йўқ” деб оляпти жонимни.
Билмадим нималар бўляпти,
Чўғдек куйдириб хонумонимни.

Озорлар яширган кўксимдан,
Губордан ғашланиб кетаяпман.
Бу юрак нимадан оғринган.
Баридан покланиб кетаяпман.

Бир соғинч қоляпти дарбадар.
Бир ҳижрон яшаяпти ёнимда.

Бу дунё дегани дардисар,
Ё мен тушунмадим қонунга.

Баридан чарчадим, азизам.
Баридан холисан бир ўзинг,
Бир марта йўқотдим чинданам,
Бир марта силамай гул юзинг.

Соғиниб боряпман тўкилиб.
Тоқатнинг тоғидан ҳатлайман.
Бир умр кўзинга тикилиб,
Соғинчдан тўкилмоқ истайман.

16.05.2002

* * *

Ёмон экан – айбдордай яшаш,
Оғир экан – айбинг бўлмаса.
Бошқа иши йўқдайин атай,
Юрак – фақат, фақат тирнаса.

Яхши экан – ёмғирли кунлар,
Ёқар экан – тинмай қийнаса.
Бизни бирга қақшатса агар,
Ойдиндан оқ – туманли кеча.

Ёлғон экан – эртанги умид,
Алдар экан – хаёллар дайди.
Ғаниматдир, ғанимат бугун,
Юрак сени бугун кўрсайди.

Яшасайди ғамдан тозариб,
Қувонсайди яна бир марта.

Юрагимга асли мен рақиб,
Солдим билиб шундайин дардга.

Шундан экан – тирнаганлари,
Шундан экан – оғриқ, азият.
Захмат чекиб узун тунлари,
Тонгда топган ягона ният.

Ёмон экан – сенсизлик менга,
Яхши экан – ёмғирлар сайри.
Ҳаммасидан кечиб ёнингга.
БУГУН БОРГИМ КЕЛЯПТИ – ЛАЙЛИМ !

16.05.2002

* * *

Дунёга келганим, азизам қисмат,
Ёқса ҳам, ёқмаса ҳам шукр айтаман.
Туғилмасам эди Худодан албат,
Ё отам тиларди, ёки волидам.

Туғилиб не корин қилолдим бажо,
Ширин дардни суйдим – андуҳпарастман.
Дайдиган омадим қилиб илтижо,
Ё отам сўрайди, ёки волидам.

Мен улардан кўпроқ севдим севгини,
Севгидан топганим – яримта кўнглим.
Севгилимдан куйсам йиғлатиб мени,
Ё отам йиғлайди, ёки волидам.

Бу ёғи узокмас яқин қолгандай,
Тўғриси, чарчабман хаёлларимдан.

Лекин кўзим юсам – фаришталардай,
Ё отам кетмайди, ёки волидам.

Биламан, азизам, чидаёлмайсан,
Лекин сенга имкон берилмас у дам.
Мен ўлсам бошимни силаёлмайсан,
Ё отам силайди, ёки волидам.

Дўзах йўлларида сарсон югурсам,
Гуноҳимдан тоқат қилмаса Тангрим.
Менга парвонадай айланаётган,
Яна отам сарсон, яна волидам.

Мен-чи, яна сени ўйлайвераман,
Рухим қўним топмоқ истар бағрингдан.
Лекин унда сени топа олмайман,
Ё отам топаман, ёки волидам.

Мен улар меҳридан бўлгандим бино,
Яна меҳр бўлиб сингиб кетаман.
Сен-чи, сен билмайсан буларни, аммо
Ё отам билади, ёки волидам.

18.05.2002

* * *

Юрагим исинар шу сўз пинжида,
Бу сўзда биз севги аркига етдик.
Эшитгим келади такрор авжингда,
КЕТДИК...

Бир зум термулади дунё лабингга.
Дейди: Айтақолгин, соғиниб кутдик.

Қўшиқдай жаранглар сенинг тилингда,
КЕТДИК...

Менми, маст ё сархуш билмай қоламан,
Билганим: билмасдан тўқнашиб кетдик.
Сен-чи ёнасану, ёниб айтасан
КЕТДИК...

Менинг кетгим келар олисга бирга,
Аммо сенга ёқмас “кетдигим” нетдик.
“Йўқ-йўқ”, “кетдик” дейсан, кетамиз уйга
КЕТДИК...

Қийнагим келади кетказмай сени,
“Кетдик”ни соғиниб кетаман қаттиқ.
Сен-чи шу сўзлар-ла қийнайсан мени,
КЕТДИК...

Барибир боримиз шу икки сўзинг,
“Йўқ-йўқ” деб бўлагин тағин гапларим.
Севаман десам сен ҳеч ранжимагин,
“Кетдиклаб” жон олган титроқ лабларинг.

18.05.2002

* * *

Дунё, дўстиммисан, душманиммисан,
Йигирма иккимда наҳот ҳайдайсан,
Сен уни севишим балки билмайсан,
Мен уни ўзимдан ортиқ биламан,

Бозорингда камёб юрак сотаман.
Дунё, дардинг олай дардмандмисан ё,

Мўминмисан билмам, шайтонмисан ё,
Бизнинг севгимизга хайронмисан ё,

Мен ҳам хайратимдан карахт қоламан,
Бозорингда камёб юрак сотаман.
Дунё, озор чекма мен кўнаяпман,
Ортиқча сўзим йўқ, жим, тинаяпман,

Фақат уни ёмон қизғонаяпман,
Мен уни қизғонмай қандай юраман,
Бозорингда камёб юрак сотаман.
Дунё, ёлғиз сенга ёрилгим келди,

Асли сенга улфат бўлгим келмайди,
ЎША бор, сенинг ҳам қадринг кенгайди,
Келишамиз сени қийнаб нетаман,
Бир қизинга битта юрак сотаман!

20.05.2002

* * *

Мен соғинсам билиб – билмасдан,
Шеърларимдан топаман сени.
Кечалари уйқунг келмасдан,
Сен ҳам мени соғинасанми.

Фироқ кўнглинг қиларми хаста.
Хазин-хазин ўртайдимиди дил.
Нега сени узоқ кўрмаса,
Ўксиб-ўксиб йиғлайди кўнгил.

Айролиқдан кўрқаман рости,
Бедардларга улфат эмасман.

Қоласанми бўлганда маҳзун,
Кўзларингни яширолмасдан.

Қай манзилга бошлайди хаёл.
Йўқлайдимен мен ҳам гоҳи,
Хаёлимга эрк берсам хиёл,
Хаёлингга юради дайдиб.

Дунёсидан тамом кетаман,
Яшамоқни истайман сенда.
Сендан фақат бир сўз кутаман,
Гапинг йўқми айтмоқчи менга.

Биламан, сен барибир дардда,
Муҳаббатда яшайсан бешак.
Ўзинг иқроор бўлолмасангда,
Мени дея уради юрак.

Шу юракка бергим келади,
Дилга қўшиб яна ненидир.
Бир кун висол топиб келади,
Ўраб турар соғинч деган нур.

Соғинаман билиб-билмасдан.
Шеърларимдан топаман сени.
Кечалари уйқунг келмасдан,
Сен ҳам мени соғинасанми?

23.05.2002

* * *

Нега бундай қарадинг эркам,
Нега бунча оғир нигоҳинг.

Тик қаддимни эгмоқда бу ғам,
Оғирмиди шунча гуноҳим.

Айтиб-айтиб бўлдикми эртак.
Ҳидламасдан тўқдикми гулни.
Яна озроқ ажралиб турсак.
Зоғга бериб қўямиз дилни.

Кўнгил қадар тозарган кунлар,
Ҳаққиға бир жон истайдими.
Бир-бирига тўймаган диллар,
Ўша кунлар бир қайтмайдими.

Қайғу – ёмон, қайғурмоқлик – бахт,
Ҳолимизга кулмасин ғаним.
Муҳаббатда ўзингсан хилқат,
Йўқотмайин тилиб топганим.

Ҳаммасидан кетамиз ҳали,
Гўзал дамлар этади насиб.
Фақат бундай қарама гулим,
Фақат қўйма қаддимни эгиб.

Ўтиб кетар қайғули кунлар,
Тушунармиз бир-биримизни,
Лекин йўлда кўпдир ғанимлар.
Асра гулим ўз сиримизни!

25.05.2002

* * *

Нигоҳинг ботади, нигоҳинг – оғир,
Юрак юкдан, оғриқдан оғрир.

Менинг кўнглим бунчалар анди,
Сенинг кўзинг бунчалар олғир.

Ой деб кўнгил берибман шамсга,
Йўл йўқ энди тунга – қочишга.
Кимлигимни билмай севибман,
Ким кўйибди оташни хасга.

Ажаб кўнгил, ажаб ҳис экан,
Ёнмоқдан бахт топган муз экан.
Бир нигоҳда жонингни олиб,
Яна соғинтирган қиз экан.

Кўзлар – ҳаёт, кўзларинг – жоду,
Шу кўзларни кўрганми – оху.
Бир кун тунга ета олмасдан,
Шу нигоҳда топаман уйку.

01.06.2002

ОТАМНИНГ МЕНГА АЙТГАНИ

Шеърят олами уммонга қиёс,
Уммонда сузмоқлик ғаввосларга хос.
Сўзингни билмасанг йўлама яқин
Билмайин сузиш бу – нодонлик холос!

04.06.2002

ОТАМГА АЙТГАНИМ

Хатодан кўркқандан мардликни кутманг,
Кутиб жим юрганнинг йўриғи хато.

Дардин суйган дардкаш булар, унутманг,
Дунёга дардисар бўлганлар – дахо!

Хаммаси ўтади, одамлик қолар,
Кўнгилдан-да нозик гулни кўрмадим.
Одам одамдирки хатолар бўлар,
Хатолик қилмаган пирни кўрмадим.

Хатоларим – дўстим, айбим кўрсатар,
Охири уларга қўяман хайкал.
Улардай дўстларим бўлмаса агар,
Ҳаётим бўлмасди бунча мукамал.

Тиллоранг тахтлардан паноҳ кутмайман,
Тупроқдан ортиғин билмайман – гўзал.
Айтганларим айтган бошқа айтмайман,
Хар кимнинг айтгани, ўзига – ғазал!

04.06.2002

ҚАРИҚИЗ

Кўзлари мушток,
Йўл қараган қиз.
Сочини тараб,
Бахт пойлаган қиз.

Таралган сочи,
Губори йўқдир.
Таралар ифор,
Такрори йўқдир.

Ғамлардан толган,
Киприк қайрилган.

Жодудай бир ҳол,
Қошин айирган.

Кулгичларига,
Ботганми бахти.
Кўзин яширар,
Айбдор тақдир.

Жим кўриб бўлмас,
Оғир бу сукут.
Унутган уни,
У кутган йигит.

Ёмғирдай йиғлаб,
Кулади гулдай.
Тозароқ кўрдим,
Бу қизни нурдан.

Фақат сал оғир,
Нигоҳи қири.
Бу кўзда яшар,
Дунёнинг сири.

04.06.2002

* * *

Шукр дардим биласан, ёмғир,
Охир йўқлаб келсан, ёмғир.
Юрагимга соғинчни эккан,
Севги бўлиб ёғасан, ёмғир.

Кутганим рост сени энтикиб,
Сенга висол келар эргашиб.

Менга сендан бўлак дардкаш йўк,
Сендан юрак кетар тозариб.

Биламан сен мен учун келдинг,
Қайғуларим билиб қайғурдинг.
Бирга-бирга кезамиз энди,
Ўша қизни йиғлаб чақиргин.

У қиз мени балки соғинмас,
Балки сендек бардимни олмас.
Мен иккиннга дардисар бўлдим,
Сен – дўстимсан, ўша қиз – севгим!

Мен-чи фақат тилайман тузим,
Гох хунобман ўзимдан-ўзим.
Сенсиз ўзим чорлаёлмайман,
Муҳаббатнинг эрка юлдузин.

26.05.2002

* * *

Бу оқшом кўнглимиз осмон бўлади,
Муҳаббат қидириб юрмаймиз кўкдан.
Юрагим бир туйғу эҳсон қилади,
Кўшиқлар тўкилар фақат юракдан.

Кўшиқда яшаймиз дунёни қўйиб,
Оҳанглар киради қалб қатларига.
Биз бахтда яшаймиз севгини суйиб,
Кўмилиб кўнгилнинг хайратларига.

Юракман, юраксан, юракмиз бизлар,
Бир қўшиқ авжида етамиз ҳаққа.

Севги деб очилиб, юмилар кўзлар,
Ҳеч ким етолмайди бундаин бахтга.

Дунёнинг тафтини сезмайсан энди,
Юрагимдан томган ишқни терасан.
Кўшиқда кўрасан дунёни мангу,
Сен кўшиқни мендай севиб қоласан!

Кўшиқ таралади, энг гўзал кўшиқ!

09.08.2002

* * *

Соғинч сиқди юрагимни,
Томчилади хотиралар.
Чулғаб олди хаёлимнинг,
Дунёсини хавотирлар.

Кўксимда бир хадик ёнди,
Тутайверди хадиксираб.
Кўзимда ёш ҳалқаланди,
Тутолмади титроғин лаб.

Мен дунёнинг азобини,
Шу соғинчда топиб қўйдим.
Муҳаббатнинг бу бобини,
Юрагимга экиб қўйдим.

Бахтиёрлар боғидан жой,
Ололмадим, кечикдим ё.
Менинг учун ғамдан сарой,
Қуриб қўйган экан дунё.

Соғинч сиқар тома-тома,
Ерга сингиб кетолсайдим.
Ёки тунда ой нурида,
Висолингга етолсайдим.

Хаёлимнинг сахросида,
Шундай гўзал дамлар бўлар.
Комил Мажид дунёсида,
Энг чиройли ғамлар бўлар.

23.09.2002

* * *

Ювиб турар хаёлимни,
Муҳаббатнинг ёмғирлари.
Қанот қилиб жамолингни,
Сенга учар оғриқларим.

Дил косамга тўлар чехранг,
Бу майдан маст телба касман.
Сенсиз қалбим эгаллар ғам.
Юзинг қўмсар юзпарастман.

Жоним олиб жоду кўзинг.
Тилиб ташлар нигоҳимни.
Кошки эди билсанг ўзинг,
Муҳаббатим – гуноҳимни.

Қалб сарҳадин бузар дардим,
Пок кўнглингни эгаллар ғам.
Ғам аталган – муҳаббатим,
Тотиб кўрган сен ҳам бир дам.

14.02.2003

* * *

Дунёнинг ташвиши бизга қолмаган,
Бизни лақиллатма дунёи бехис.
Ким севги нахридан олса бир лаган,
Ўшал зот коинот мулкида тенгсиз.

Ўткинчи хисларга алданма юрак.
Вужудинг – омонат, руҳинг – абадий.
Энг гўзал лаҳзада чорлаганда ҳақ.
Сени олиб кетсин илоҳий бир куй.

Бу бахтга етмоқлик ҳар кимга хосмас.
Ҳар дилдаги хавас бўлмас муҳаббат.
Коинот мулкидан – ҳақ берган хас бас,
Шу хасдир аслида асл ҳақиқат.

Девона бўлмасдан билмассан васл,
Шу оний лаҳзадир сен интилган он.
Сен ўлмайсан, сени этади қатл,
Гўзал муҳаббатдан нурланган имон!

28.12.2004

* * *

Кўзингдан ёш оқди,
Кўксимга тош ботди.
Ғафлатда қолдим мен
Дил сени йўқотди.

Қадрингни билмадим.
Ўшанда йиғладинг,
Нега юрагимга сени
Яшириб қўймадим.

Эгилган бу бошлар,
Юрагимни тишлар,
Ўртайди кўрганда
Аламли кўз-қошлар.

Афсусда қоламан,
Соғиниб ёнаман,
Ўзимга ҳам шафқатсиз
Озорли боламан.

09.06.2002

* * *

Шаҳарларда сиқилар кўнгил,
Соғинаман тагин ҳар сахар.
Юр кетайлик юрагим юргин,
Тугамайди Бахмалда баҳор.

Бунда гулу-гиёҳлар янги,
Кўз очади булоқлар янги,
Дил тилгувчи нигоҳлар янги,
Тугамайди Бахмалда баҳор.

Адирларнинг сўкмоғи соғинч,
Хаёлларим тармоғи соғинч,
Сангзор дарё ирмоғи соғинч,
Тугамайди Бахмалда баҳор.

Умрда ҳам бўлади адоғ,
Кўнгилда ҳам бўлар кузги боғ,
Кўнглим қолиб кетган Ойқартоғ,
Тугамайди Бахмалда баҳор.

Кетсам қайтиб келар масканим,
Минг бир тарих қадам босганим,
Йиғлаб-кулиб, униб ўсганим,
Тугамайди Бахмалда баҳор.

20.06.2010

ШЕЪР

Кўнгилнинг қатида йиғлаётган куй,
Биров ўйламаган энг покиза ўй.
Шаббода пинжида туғилган тилак,
Гулларнинг атридан бўлакча хуш бўй.

21.05.1998

МЕН

Мен – номаълум бир куйман,
Ҳофиз дилида ўйман.
Бир дуторнинг бағрида
Мангу яшасам дейман.

21.05.1998

МУҲАББАТ

Муҳаббат – силкиниб тўкилди,
Умидим, ул ширин армоним.
Муҳаббат – силкиниб йиқилди,
Севгига қўйилган нарвоним.

Муҳаббат – айланди булутга,
Кўзидан ёш бўлиб тўкилдим.
Оқдиму дарёдан – денгизга,
Сўнг яна булутга қўшилдим.

Энди-чи, муҳаббат – оқ булут,
Хиёнат – зулматга айланди.
Икковин ўртасида қолиб,
Вужудим – чакмоққа айланди.

Муҳаббат – қуёшда нур бўлди,
Мен унинг ёнида сояман.
Муҳаббат – юракда шеър бўлди,
Мен бу кун севгига дояман.

Севгига етмоқлик бахтига,
Етсайдим, яшардим армонсиз.
Муҳаббатнинг олтин тахтига,
Чиқарман бир куни нарвонсиз.

21.07.1998

* * *

Оғир савдо экан кўнгил савдоси,
Тақиб қўймоқчийдим бахтнинг шодасин.
Боғлаб олди мени кўнглинг дунёси,
Унутиб бўлмайди, унутиб бўлмайди.

Қаерда бўлмайин соғинчимдасан,
Севинчим, суянчим, ўкинчимдасан.
Шеърларим, кўшиқлар овунчимдасан,
Унутиб бўлмайди, унутиб бўлмайди.

Бугун кўнглим уйи ҳувиллаб қолди,
Тўйхонада юрак ловуллаб ёнди,
Осмондан топганим ерда йўқолди,
Унутиб бўлмайди, унутиб бўлмайди.

Сенсиз асли дунё дегани ёлғон,
Кўнглим йиғлагани, кулгани ёлғон,
Комил Мажиднинг соғ юргани ёлғон,
Унутиб бўлмайди, унутиб бўлмайди.

18.10.2002

* * *

Сиз – менга аталган ягона чирой,
Сиз учун асрадим юрагим шаҳрин.
Сиз – кўнглим осмони авайлаган ой,
Сиз бунча яхшисиз сулувим, сарвим!

Ғуборлар кетдилар ишқ билан қолдим,
Нигорлардан сулув нигор деб билдим.
Киборлардан холи самимий севдим,
Сиз бунча яхшисиз сулувим, сарвим!

Дунёга мен насим, мен бир гиёҳман,
Исмингиз ёзилган ажиб сиёҳман,
Муҳаббатман, сиздан севги сўроқман,
Сиз бунча яхшисиз сулувим, сарвим!

Соғинчман, асли мен муштоқ яралдим,
Тўқману, висолга очроқ яралдим,
Сиз шодон, мен бироз ғамнок яралдим,
Сиз бунча яхшисиз сулувим, сарвим!

Интилсам айбламанг, кўнглим зорикди,
Йигирма икки йил сабрим зерикди,
Муҳаббатга ташна қалбим ёрилди,
Сиз бунча яхшисиз сулувим, сарвим!

Бу дунё аслида ишққа имкондир,
Меҳр бу – мурувват, меҳр – имондир,
Кўнглим тубидаги тенгсиз жавоҳир,
Сиз бунча яхшисиз сулувим, сарвим!

27.10.2002

* * *

Кўнглим қолди дунё омонатидан,
Кўрқиб қолдим севги хиёнатидан,
Аммо ул малакнинг малоҳатидан,
Ақлимни йўқотдим, ақлим йўқотдим.

Ҳар кун тўсар бўлдим унинг йўлини,
Лекин билолмадим кўнгил сирини,
Ким тинглайди айтинг ишқ дастурини,
Ақлимни йўқотдим, ақлим йўқотдим.

Кун ўтар, тун ўтар, бу ғам ўтмайди,
Кўз олдимдан кетмай фиғон ўртайди,
Ё ишқимдан сизиб, тушиб кетсайди.
Ақлимни йўқотдим, ақлим йўқотдим.

Тўлин ой тўлганда, тушар ёдима,
Аммо ҳеч етмайди, арзу-додима,
Наҳот ишқим шундай топар хотима,
Ақлимни йўқотдим, ақлим йўқотдим.

09.12.2003

* * *

Шул эрур бахтим мани,
Айтмаган, айтганларим.
Ҳар доим ёдингда тут,
Нола-ю – афғонларим.

Ох чекиб қўйсам агар,
Зорлигим билмасмисан.
Ахтариб борсам сени,
Мен билан кетмасмисан.

Кўнглимнинг осмонида,
Ой бўлиб тўлсанг эди.
Мубтало бўлган ошиқ,
Ишқини билсанг эди.

Лол бўлиб қолдим ўзим,
Жоду лаб ол рангига.
Озоринг қўйида бир оз,
Нур таратгин қалбима.

31.03.2005

* * *

Япроғига дил берган
Хазон – менинг қисматим.
Йўлин йўқотиб қўйган
Сўқмоқ – энди улфатим.

Сендан келмади садо,
Йўқотдим – топганларим.
Энди айтиб алвидо,
Тупроқда бор хизматим.

Капалакдек гул суйсам,
Бир кун экан муддатим.
Очилган гулни кўрсам,
Қолмас эди хасратим.

Қаро гўрда нур сочар,
Сенга бўлган ҳайратим.
Ёлғиз оловдан асрар,
Покиза муҳаббатим.

07.01.2001

* * *

Кетдинг ёрим, кўксим ушлаб
Қолдим, парво ҳам қилмадинг.
Менинг кўнглим бир ишқ талаб,
Бу қисматга ҳеч кўнмадинг.

Жоним қайтар нигоҳингда,
Сўнг бор қиё боқмай кетдик.
Бахтим менинг бармоғинга,
Узук қилиб тақмай кетдинг.

Кетдинг ёрим, ғамлар билан
Кетмоқ куйин чалиб қолдим.
Чимилдикда ўзинг билан,
Юрагимни олиб қолдинг.

Гуллар териб гулхонадан,
Оловларга отган ўзим.
Куй янграса тўйхонада,
Армон билан ётган ўзим.

Кетдинг ёрим, кўксим ушлаб
Қолавердим куйиб-куйиб.
Кўп қатори бахт қулошлаб
Юролмадим суйиб-суйиб.

15.02.2003

* * *

Бир куни излайди мени одамлар,
Дунёни титкилар топадигандай.
Улар ҳолатига мен қарайман жим,
Шивирласам сезиб қоладигандай.

Бир куни излайди мени одамлар,
Қоғозга юз босиб мендай йиғлайди.
Мен кулиб қарайман улар ҳолига,
Буни билмадими, йўқ-йўқ, билмайди.

Бир куни излайди мени одамлар,
Ахир шеър тўлдирар дунёнинг камин.
Аста шивирлайман ялпиз бўйидан,
Фақат шеърда қолган руҳим учкуни.

26.07.2002

* * *

Биласанми дунё бир кун,
Қилар бизни сазойи.
Биласанми, ишқ кетмаса.
Биз биландир Худойим.

Биласанми, қалбимиздан,
Яқин бўлгувчирок йўқ.
Бу дунёда ишқ дардига,
Малҳам бўлар гиёҳ йўқ.

Биласанми азоблардан,
Тозаргувчи кўнгилдир.
У дард билан оғир бўлар,
У дард билан енгилдир.

Биласанми бахтнинг ғами,
Фақат бизга насибдир.
Ким дунёда дардни суйса,
У ишққа муносибдир.

Биласанми тополмадим,
Сендан бўлак яхшини.
Унутмагин, гулим сен ҳам,
Бегинг – Комил бахшини.

23.09.2002

* * *

Хуш қол ёрим, мен бахт ўйин,
Остонасин хатлолмадим.
Чиндан севдим, лекин чиндан,
Севилмоқни эплолмадим.

Тақдир тошлар отиб кўрди,
Ёш бошимни ёрмоқ учун.
Худо менга кўнгил берди,
Фақат сени севмоқ учун.

Нечун кўрдим, нечун севдим,
Энди чора тополмайман.
Тақдир отган тошлар каби,
Жоним, сенга етолмайман.

Хуш қол ёрим, мен қисматинг,
Йўриғига юриб кетдим.
Худо берган муҳаббатни,
Юрагимга кўмиб кетдим.

Бахт бормикан, тахт бормикан,
Жоним севги бозорида.
Ошиғингни йўқлаб тур,
Кўхна дунё мазоридан.

30.06.2001

* * *

Мен кетдим кўнглингни ололмай,
Сен кетдинг кўнглингни беролмай.
Бахт қолди бизларга тўёлмай,
Армоним бўлдинг-а, муҳаббат.

Юлдузлар топишди оқшомда.
Гуллар дил боғлашди гулшанда.
Сен менга ишонмай ўшанда,
Ёлғоним бўлдинг-а, муҳаббат.

Не кунлар кўрмади бошимиз.
Шунгача етди бардошимиз.
Ўттизга етмасдан ёшимиз.
Душманам бўлдинг-а – муҳаббат.

Қайғурма, қайғулар мен томон,
Энг нафис туйғулар сен томон,
Энди айт, йўлимиз қай томон,
Сарсоним бўлдинг-а – муҳаббат.

Қорайиб бормоқда қароғим,
Сўнмоқда наҳот бахт чироғим.
Ҳаётда йўқ энди яроғим.
Оҳ! Жоним бўлдинг-а – муҳаббат!

04.07.2005

* * *

Ўлдиргим келади ўзимни,
Ўзимни унутгим келади.
Бир кун қўққисдан, умидим
Ушалиб юрагим ёради.

Бахтиёр бўлмоқлик – орзумас.
Бебахтлик ҳукми бор тақдирда.
Умидлар ушалиб кетса гар.
Нима ҳам қиларди фақирда.

Ўшал тонг, ўшанда эрталаб.
Кўзимни очмайман – уйғониб
Қўрқитиб қўймоқчи бўламан,
Борлигим қўяман мақтаниб.

Ғазабли, аламли нигоҳлар,
Ё севинч, ё ғамга тўлади.
Ҳаммангиз севишим одамлар,
Бир фақат, бир онам билади.

Яшагим келади, яшагим.
Нагоҳон уйғониб кетаман.
Тушунмас холимни одамлар,
Шунда ҳам, мен сени севаман!

26.06.2005

* * *

Сендан араз қилмоғим мумкин,
Сендан умид қилмоқлик хато.
Телба бўлиб қолмоғим мумкин,
Телбаларга севмоқлик хато.

Севиб ундан қуймоқлик эмас,
Ғамни дилга уймоқлик эмас,
Сенга кўнгили қуймоқлик эмас,
Сенга хасрат қилмоқлик хато.

Бало келса келади бирдан,
Сўрамайди донишу пирдан.
Фаришталар яралган нурдан,
Тупроқдан хур қутмоқлик хато.

Гўзал бўлиб туғилган ютар,
Севган эмас, севилган ютар,
Юрагини супурган ютар,
Юракка ён бермоқлик хато.

Бу ошиқ дил айтаверади,
Муҳаббатга қайтаверади,
Асли майда бўлурнинг бари,
Ишқсиз одам бўлмоқлик хато.

24.05.2002

* * *

Дил ғариб, дилданам бир ғариб,
Бир ғариб яшайди сарғариб.
Кўнгил деб кўнгилдан ҳайдалиб,
Бир ғариб яшайди сарғариб.

Гул бўлмай хазондир туйғуси,
Шунчалар ёмонми севгиси.
Сизни ҳам йиғлатар қайғуси,
Бир ғариб яшайди сарғариб.

Дунёмас кўнгилда сайр этар,
Ишқини – ишқсизга хайр этар,
Ўзи ҳам ўзига дардисар,
Бир ғариб яшайди сарғариб.

Куй каби кўнглини топсангиз,
Ҳеч курса тушда бир ўпсангиз,
Сўнгги дам кўзини ёпсангиз,
Бир ғариб яшайди сарғариб.

04.10.2001

* * *

Севги бизга берилган иъном,
Уни кўздай асрагин гулим.
Кўрсат фақат унга эҳтиром,
Шунда ишқдай бўласан сўлим.

Зардоблардан тозаради дил,
Тўлар унга энг хушбай гулоб.
Аввалгидан нафисроқ кўнгил,
Бошқачароқ уради юрак.

Балки биздай ғариблар бўлмас,
Лекин биздан буюклар ҳам йўқ.
Биз келганмиз дунёга сармаст,
Ва насибдир шундай яшамоқ!

15.11.2002

* * *

Кўнглим менинг ёлғон дунё,
Камларини бор этар.
Севгим менинг – бағритошим.
Висолига зор этар.

Учиб юрар телба бахтим.
Хаёлим дунёсида
Мунча шошдим ё адашдим.
Муҳаббат сахросида.

Гуноҳқорман, холим сўраб.
Энди қайтмас ўтмишим.
Азоблайди мени ё раб,
Муҳаббатим қарғиши.

Кечир жоним мен мислсиз,
Адашганга ўхшайман.
Лекин қандай қилиб сенсиз –
Муҳаббатсиз яшайман.

15.02.2003

* * *

Бир сиқим тупроқ - Ватан.,
Бир сиқим тупроқ бу – тан.
Қалбимиз ардоғида
Ватан бу – бир оҳ экан.

Сўзламас бунда забон.
Сўзлагай бунда макон.
Коинот чорбоғида
Ватан бу – бир боғ экан

Аслимиз билмас само.
Дардимиз олгай Худо
Аллоҳим даргоҳида
Ватан бу – япроқ экан.

Қалбимиз уйғоқ эса,
Дардидан огоҳ эса.
Эътикод фарёдида
Ватан бу – чақмоқ экан.

Кетса гар кўнгил доғи.
Гуллагай Ватан боғи,
Ҳар майса гиёҳида
Ватан бу – уйғоқ экан!

06.11.2005

* * *

Келмай жонон бунча мени зор этдингиз,
Барги хазон каби кузга хор этдингиз.
Тўёлмадим васлингизга девонадай
Билдингизми ё билмай абгор этдингиз.

Ишқнинг қаро булутлари тўсди йўлим,
Такдир дедим, айрилиққа кўнмас дилим.
Саволларим бордир сизга, атиргулим.
Булбул қолиб нечун зоғни ёр этдингиз.

Сиз кетдингиз холим сўраб ғамлар келар.
Армон билан хушнуд ўтган дамлар келар.
Дийдор талаб кўзларимга намлар келар.
Сиз билмайсиз, билмоқликни ор этдингиз.

Ахир бизлар танлаган йўл шулмасмиди.
Лайли-Мажнун биз билганни билмасмиди,
Комил Мажид сизга маъқул келмасмиди,
Бир ғарибга бу дунёни тор этдингиз.

20.11.2005

* * *

Севги шундай бўлади асли.
Севги нурдай кулади асли.
Севги бизни қайда бўлсак ҳам
Соғинтириб қўяди асли.

Севги шундай нафисдан-нафис,
Севги кимга хасисдан-хасис.
Севги – гуллар ифоридир ё,
Ўз хуснидан хайратдаги қиз.

15.02.2003

* * *

Нигоҳингда бир туйғуни борлигин билдим,
Юрагимнинг шу туйғуга зорлигин билдим.
Сендек гўзал бу дунёга хорлигин билдим,
Сен билмадинг, менинг холим, сен билмадинг.

Қараб қўйсам киприкларинг юрагинг ёпди,
Юрагимда уйғонган ҳис, кўнглинга чопди.
Сендек гўзал бу дунёга меҳмонга келди,
Сен билмадинг, менинг холим, сен билмадинг.

Авайладим, ардоқладим, ғамдан топганим,
Дунёлардан тополмадим, сендан топганим.
Ойда ҳам йўқ, кунда ҳам йўқ, шаъмдан топганим,
Сен билмадинг, менинг холим, сен билмадинг.

Озурда жон арз қилмайин, куйлашга тушди,
Нигоҳингла сўйлаганинг, тинглашга тушди.
Ошиқу зор кеча-кундуз йиғлашга тушди,
Сен билмадинг, менинг холим, сен билмадинг.

19.07.2006

* * *

Асли бу дунёнинг ғийбатларидан,
Чарчаган дамларда кўнглимиз ўқсир.
Асли бу дунёнинг хилватларида,
Бизни лақиллатиб кулади тақдир.

Тақдирнинг зарбаси – оғир бўлади,
Тақдирнинг ўлкаси – бағир бўлади.
Тақдирнинг меваси – тахир бўлади,
Тақдирнинг тухфаси – сағир бўлади.

Куйиниб юрамиз куйганимизга,
Нафимиз тегмайди суйганимизга.
Алданиб гоҳида арзон молини
Қувониб кетамиз олганимизга.

Жонимиз жабборга берсақда бўлмас,
Ўзимиз ҳар ёнга урсақда бўлмас,
Уриниб, суриниб, йўлни йўқотсак,
Валаъа оқибатда топсақда бўлмас.

Биламан, Аллоҳим, ҳукмингдадирман,
Гуноҳим беадад, тутқундадирман.
Тақдирдан нолисам, кечиргин, кечир,
Бандам десанг, илло раҳмингдадирман.

Барибир, дунёнинг ғийбатларидан,
Чарчаган дамларда кўнглимиз ўқсир.
Барибир, дунёнинг хилватларида,
Бизни лақиллатиб кулади тақдир.

31.10.2006

* * *

Одамлар бор, ўз дардида,
Қовурилиб куйгайлар.
Одамлар бор, эл дардида,
Ўзни ўтга ургаилар.

Одамлар бор, гулдан-гулга,
Учиб-қўниб юргаилар.
Одамлар бор, битта гулни,
Севиб адо бўлгаилар.

Одамлар бор, шабнамдай пок,
Гулдан нафис, хурдайлар
Одамлар бор, тундан қаро.
Бахил, хасис, сурдайлар...

26.09.2005

* * *

Ёмон бўлди, энди менга, ёмон бўлди,
Сочимга оқ солиб кетган қировлардан.
Ёмон бўлди, энди менга ёмон бўлди.
Қалбимга доғ солиб кетган бировлардан.

Дарёсидан сувлар ичиб ўргангандим.
Етолмасам, кеча-кундуз ўртангандим.
Ундан олдин бошқасига алдангандим.
Ёмон бўлди, энди менга, ёмон бўлди.

Куним қолди фақат чўлнинг саробига.
Маст бўлдимми ёки севги шаробига.
Бугун боқинг бу юракнинг харобига.
Ёмон бўлди, энди менга, ёмон бўлди.

Аслида мен гўзал боғнинг боғбониман.
Боғимда йўқ атиргулнинг армониман.
Муҳаббатда билмам кимнинг хирмониман.
Ёмон бўлди, энди менга, ёмон бўлди.

Хасратимдан дудлар чиқса, куйинмангиз,
Ўткинчи бахт йўқлаб қўйса, суйинмангиз,
Мендаин зор каби ишқда тойинмангиз,
Ёмон бўлди, энди менга, ёмон бўлди.

01.11.2006

ТЎРТЛИКЛАР

* * *

Болам, ғам нелигин билмайин яша,
Бош эгар ишларни қилмайин яша.
Кўқларга интилгин, мудом парвоз қил,
Ҳақдай эгилсанг ҳам, синмайин яша.

29.01.2007

* * *

Ҳаётга тушунмай яшаб юрибман,
Ризқу насибамни ошиб юрибман.
Бугун ўтсин, эртам бир гап бўлур деб,
Кимнингдир қўлидан ушлаб юрибман.

2000 йил

* * *

Севгининг уруғин дилимга эқдим,
Унди, муҳаббатни – чаккамга тақдим.
Кўнглимдан дарёлар тўкилавергач,
Шу дарё бағрида хазондек оқдим.

2000 йил

* * *

Бу ҳаёт заминдан кўкарган дарахт,
Вақт – шамол, бечора одамлар – япроқ.
Куз келиб ўлимдан беради дарак,
Вақт юлган япроқлар бўлади тупроқ.

1997 йил

* * *

Инсон йўлга чиққан кичик бир карвон,
Йўли гоҳ машаққат, гоҳида омад.
Бу йўлда қалбингни ёритса имон,
Қўлида бахт тутиб кутар қиёмат.

1997 йил

* * *

Ҳамиша соғ бўлу, мудом яхши бўл,
Вужуд гули эмас, кўнгил пақши бўл.
Ҳақиқат биттадир, ҳақиқий куйни,

Хиргойи қилгувчи – Комил бахши бўл.

25.06.2005

* * *

Дунёда ҳеч кимнинг кўнгли синмасин,
Бахт кемтик бўлмасин, ғамни билмасин.
Аросатда қолиб кетган чоғларда,
Тўғри йўлдан бошқа, йўли бўлмасин.

06.09.2005

* * *

Бу тақдирдир, бу қисматдир, бу ҳикматдир,
Бу биз англаб етолмаган ҳақиқатдир.
Отанг қандай, онанг қандай – сен ҳам шундай,
Бу дунёнинг қайтмоғига бир исботдир.

01.10.2005

* * *

Кўнгил ишққа, сеҳрга тўлсин,
Ўз жуфтига меҳрга тўлсин.
Меҳру-ишқнинг гул мевалари
Ўғил-қизлар бағирга тўлсин.

17.03.2010

* * *

Юракни қайғудан висол асрайди,
Ўткинчи туйғудан азал асрайди.

Сизни асрагувчи менман азизам,
Мени мудом сиздек гўзал асрайди.

30.08.2010

* * *

Мол берсам молимга ошна кўп дунё,
Жон берсам жонимга ташна кўп дунё.
Дил берсам кўнглимни истамайдилар
Юрагим ҳеч кимга арзимас дунё.

27.03.2009

ЖЎНАТИЛМАГАН МАКТУБЛАР

ЮРАГИМ. Юрагим десам сен – юрак нима дея сўрадинг, мен билмадим, дедим. Аслида ҳам ўша дамда юрак нима эканлигини билмас эдим. Асли бахтга кўмилиб яшаган кўнгил ўз кадрилини ҳам, ўзга кадрилини ҳам билмайди, умуман ўзининг кўнгил эканлигини ҳам унутади. Кўнгил қачонки ёлғиз қолганда, ёлғизлик эзганда, тўғрироғи ёлғиз эканлигини сезганда бир оҳ уради ва бу оҳ юракни йиқитади, ана шунда юрак нима эканлигини англаб қоламиз.

ЮРАГИМ. Юрак бу сенсан, азизам! Барча ёзганим, барча кўнглимни энтиктирган, юрагимга энг ширин оғриқ берган, ўзи суйдириб, ўзи куйдириб, ўзи даволаган хаёлий дилбаримсан.

АЗИЗАМ. Гуноҳларим бўлса хатоларимдан, гувоҳларим бўлса жўраларимдан, мени суймагани эса суйганларимдан топдим. Барча қилган илтижоим илинжида сенинг номинг мужассам, барча қилган хатоларим ўқинчида менинг севгим топарсан. Мен суйган инсон кўзимга мўъжиза кўринди, мени суйганларни ахтаришни беҳуда билдим, лекин барибирам хаёл саҳросидан топганим сен эдинг

АЗИЗАМ. Бу бағир аталмиш кўхна асотир азоб бериб келади, аммо қанчалар азобламасин, бу кўхна кўнгил сени бағрида сақлаб келадики, шунинг учун ҳам бу менга азиз. Юракнинг шодлиги, қайғуси, орзу-армони – сен, шунинг учунми қанчалар сени севмайин, айблагим келади, айблаганим сари барибир – С Е В А В Е Р А М А Н !

БОКИРАМ. Ғамнинг парчаси ҳам дилга оғир ботади, бугун эса парчалар эмас, ғамнинг ўзи кўксимга кулади, бунчалар оғир юк мени янада фиरोқ бешигига белади, мени ечиб оладиган, ҳаётга қайтарадиган висол онларингни қайтаришингни сўрайман. Бу дунёнинг бахти мен учун бир дамлик рухсоринг эканлигини унутма, БОКИРАМ. Сен билан кўришмоқ қисматда бўлса қисмат учун мен нисор, ўшал дамда дилимга сиғмай қолган туйғуларимни дилингга тўкишга дил орзуманд, лекин бугун юракка сингаётган бир ҳовуч ҳижрон бир куни вужудимни бир бутун ҳижронга айлантириб қўймаса деб кўрқаман. Бу кўрқувни дилдан ҳайдамоқ учун, юракка ҳижрон ўрнига бахтни тикламоқ учун, асосийси висолга ташна кўнгил саробга кетиб қолмаслиги учун ҳам, менга бир дамлик висолинг керак.

ДИЛБАРИМ. Кўзларинг менга ўзлимгни англатади, кўзларингга бир нигоҳ ташласам бас, мен ўзимнинг қанчалар абгор эканлигимни, муҳаббат мени қай қўйларга солганлигини тушунаман, ўзим-ўзимдан чекиниб сен менга айланасан, биз бирлашамиз, бир дамлик нигоҳ бизни бирлаштиради, ҳижрон азобидан қутулган юрак тоғларга аксадо бериб янграйди, асл бахт – бир дамлик бўлади.

ДИЛБАРИМ. Сен шунчалар дилбарсанки, кўрганда сўзлашни, кулишни, йиғлашни, хаёл суришни, умуман борликни унутаман, бу ҳолат нима эканлигини билмайман, билишни истасам хаёлга чўмиб сендан чалғишдан кўрқаман. Сен – мандан устун келган, иродамни аллақаякқа ирғитган бетакрор кучсан М У Ҳ А Б Б А Т !

ГУЛИМ. Нечун юрагимга сиғмайди севги, сендан топганларим

нажот кўлимда йиғлаётган қайғу парчаси, азбаройи Худо келгандай бало пешонамдан шўрим томчилаб турар, юрак туйғуларга тўлиб кетади, бироқ сен бўлмагач бу биких хонада туйғулар ҳам чириб борар кундан кун. Ушбуларни ёзаману ўйлайман, такрор – сендан ранжишимга асосим борми, сендан кечишимга, балки индамай сени севишимга асосим борми? Билмадим буларнинг бари телбалик ва ё тўғрилиқми, тагин билмадим, лекин не бўлса ҳам менга дунёда, сенинг борлигингдан яхшироғи йўқ. Гоҳида ортиқча даҳмазалардан холироқ жойларга кетгим келади, лекин қалбим фақат сенинг ишқингга, сенинг висолингга интиқ туради. Бир дамлик дунёда оний лаҳзалик висолингдан жудо қилмагин ГУЛИМ!

ЁЛҒИЗИМ. Дунёга келиб топганим ҳам, йўқотганим ҳам – ўзинг, сен буни билишинг, ҳис қилишинг керак. Мен - ёлғизман, сен билан – тенгсизман, сен менинг хаёлларимни обод этсанг бас, хаётим шу хаёллар билан нурафшон. Мен қанчалар ёлғиз бўлсам, сенинг ҳам шунчалар ёлғиз бўлишингни истайман, чунки ҳаётда икки ёлғизгина бир бутун бўла олади, уларнинг бир бутунликда ғамлари – шодликка, хаёллари – ҳақиқатга айланади.

ЁЛҒИЗИМ. Асли ғариб кўнгил ғарибона яшайди, ўзидек ғарибларни кўмсайди юз йил, минг йил кутсада кутишдан чарчамайди, унинг учун муҳими кимнидир кутаётгани, у келадими, йўқми барибир, унинг учун фақат унинг борлиги етарли. Сен ҳам ёлғиз бўлсангда, кўнглингни қанчалар ғариб бўлсада кутишни қанда қилма, асли кутишни эплаган юрак сева олади, нафратлана олади, мен эса кутганинг м е н бўлишини истайман, холос.

ДИЛДОШИМ. Кўнгил чекинмасин экан, кўнгил чекинса бағир бўшаб қоларкан, бўш жойга нафс, хирс, таъма, кибр каби чиркин нарсалар уя қурааркан, кўнгил кенг, тоза бўлса вужуд – пок, рух – шодмон яшаркан, муҳаббат ҳам оппоқ беғубор дилга кўнааркан, фақат бу жойда зарра ғубор бўлмасин экан, акс ҳолда муҳаббатнинг парчаси сиғмай қоларкан, ўша парча муҳаббат – ҳижронга, зарра ғубор – хиёнатга айланаркан.

ДИЛДОШИМ. Биз ҳам энди дилни тозалайлик, қайлардадир дайдиб юрган висолни чорлайлик, бизни муҳаббат яратган энди, ҳам муҳаббат қўлидамиз, у хоҳласа – юксакликка, хоҳласа – тубанликка бошлайди. Гул – қабристонда ўсса ҳам гул, тикон – чаманзорда ўсса ҳам тикон, шунданми, хиёнат ҳам муҳаббатга фарзанд, фақат оқ бўлган фарзанд, лекин ўгай фарзанд ҳам гоҳо онасини йўқлаб туради, шуни унутма, дилдошим. Демак бизга оппоқ – дил, гўзал – муҳаббат, абадий – висол даркор.

Ҳеч кимга айтмаган сўзларингни айт,
Ҳеч ким эшитмасин такрор бу сўзни.
Бу сўздан нафармон гулласин юрак,
Хуш бўйига кўмиб ташласин бизни.
Ҳеч кимга ўхшамас севгимиз, севгим,
Ҳеч ким тополмайди бундайин бахтни.
Кундан-кунга тўлиб бормоқда бағрим,
Такрор кўргим келар бахтли нигоҳни.

ДАРДКАШИМ. Соғинчларим изингга бориб тўхтайти, у ёғига изларинг бошлаб кетади. Энди юзингни умид даштидан ҳайдадим, фақат соянгга етган нигоҳимга ҳавасим келди, бу ҳавас ҳам умидлар ортидан чопаётган сояга ўхшайди, етиб етолмайди, ортга қайтолмайди. Қадрингни билган, қадримга етган дамлар атрофимда гирдимда изғийди, хаёл диёри – маконимга, ҳаёт девори – заволимга айланган, шу деворни йиқитган куним ўзим ҳам йиқиламан, лекин сенга етаман, сени ўша – менинг қўллариман тутиб турғизаётган ҳолатда тасаввур қиламан, ўша пайтда сен ҳақиқий дардкашим бўласан.

ДАРДКАШИМ. Ўтган яхши-ёмон, хунук-гўзал кунларимизни унутолмайман, зеро лаҳзалиқ, асрлардек кунлар бизга висол ҳада этди, ўша висол бизни умрбод тақдирдан қарздор қилиб қўйди, қарзни узиш учун умидлардан кечиб – аламларга кўндим, ҳаётдан қувилиб – хаёлда яшадим, суймаганини – суйиб, суйганимни – унутдим. Мени

кечир, д а р д к а ш и м ?!

ЭГАСИНИ ТОПГАН ИККИТА НОМА

СУЮКЛИМ. Ушбу мактуб ёзилдиким, сиз билан бўлган қисқа дамлик висол ҳосиласидан. Ўша пайтда дилимдан тилимга йўл топа олмаган истаклар мазмун-моҳияти, юракни домига тортаётган аланганинг ягона сабабкори – сиз! Дунё яралибдики, инсониятдан қолган энг эзгу амал, Аллоҳ инояти бўлган – муҳаббат. Аввало севги ҳар кимнинг ҳам кўнглини обод этавермайдиган энг эзгу ҳайрат. Менинг кўнглимга теккан – бу эзгу ҳайрат, бу ширин хавотир, бу буюк иноят эҳтимол сизнинг ишончингизни оқламас, балки ғашингизга ҳам тегар, лекин асосийси бу эмас, асосийси бунинг гувоҳи кўнгил бор, мен учун шунинг ўзи етарли. Фақат сиз ўзгаларга эмас, ўз кўнглингизга қулоқ солишингизни истайман, менинг истагим қанчалар тўғри ёки нотўғрилигини билмадим, билганим Аллоҳдан севмоқ ва севилмоқ бахтидан жудо эмаслигини сўрайман, холос.

СОҒИНЧИМ. Аввало биринчи номага жавоб олмасдан иккинчисини ёзганим учун узр! Негадир ўша кундан буён кўнглим таскин-тасалли тополмай сарсон кезади, менинг бор халоватимни ўша бир зумлик висол олгандек, чанқаган киши баттар сувсагандек холатда қолдим. Умрнинг югурик кунлари ғашимга тегиб юрган ушбу кунларда, энди лаҳзалар асрларга татияпти, икки кун эмас, икки йиллик йўл юргандекман, бироқ ўйламангки, ушбу мактубни дарду ҳасратимни баён этиш учун ёзаётганим йўқ, шунчаки сиз билан мактуб орқали суҳбат кургим келди. Икки кундирки, соғинч ситамлари етмагандек, хижрон азоблай бошлади, ёрдамга дўстим шеър етиб келди, шеърни тушуниш, шеърга суянишдек ҳис борлиги учун ҳам Алоҳга шукрона келтирдим, гўзал шоирларнинг гўзал шеърларидан ёзмоқчи бўлдим, лекин улардан-да сизни қизғондим яхшидир-ёмондир ўзимникидан ёздим, фақатгина сизнинг ўқишингизни жуда хоҳлардим, БОНУ!

БАХТИМ. Ҳа, сени бахтим дедим, ўша – сени бахтим деб шивирлаган дам, чиндан ҳам бахтли эканман, ўша хайкирик, ўша нидо бахтимга исбот экан. Мен бахтга интилаётганларни кўриб қувонар эдим, кўнглимда тескари хаёл бўлмасди сира, лекин дунё шундай эканки, сенинг бахтингга ғайри кўз билан қарайдиганлар топиларкан (балким уларни одам сафига кўшганим учун ҳақиқий одамлар ранжир, бунинг учун улардан узр!) бундайларда кўнгил ҳам бўлмайди, кўкси чиркин нарсаларга тўла бўлади, туйғулари чириган десак ҳам хато бўлади, чунки ҳозир чириган бўлса ҳам илгари туйғу ўсган жойга яна нимадир экса бўлади, лекин умуман ҳеч нима ўсмайдиган тақир жойдан умид йўқ. Майли, улар ғийбату адоватларини қилаверишсин, фақат сен қалбингни улардан асра, ёмондан йироқ юр, зеро ёмон кунинг яхши бўлади, ёмон одам яхши бўлмайди. Сен менинг бахтимсан, ҳар доим бахтим бўлиб қол.

ҚУВОНЧИМ. Юракдан кулинг, деган гапни кўп эшитгандим, лекин юракдан кулиш қанақа бўлишини, тўғриси, билмасдим, бугун эса... Бугун эса ўзгача кун бўлди, ишонасизми-йўқми, юрагим кулди, оғриб-оғриб, ширин-ширин, энтикиб-энтикиб кулди. Юракнинг жилмайишини, дарднинг табассумини, кўнгилнинг шодлигини кўрмоқ бахти насиб этди ва бу насибадан юзу-кўзим, бутун вужудим қаҳ-қаҳа отди. Сизнинг висолингиз бутун вужудимни қитиқлаётгандек эди гўё, мен телбалардек, ҳеч нимани ўйламасдан, ҳеч балони сезмасдан фақат юракдан энтикдим, лекин юрак кулганда ҳам оғрир экан, юракнинг кулгуси – йиғламоқ билан баробар экан, кулгунинг юки оғир бўларкан, шунча дардни, ғамни, аламни, не-не ситамларни кўтарган дил – кулгуни кўтармоққа қийналар экан. ҚУВОНЧИМ дедиму, бу қувонч юракнинг биринчи ва сўнгги кулгуси эканлигини англадим. Юрак йиғлаб-йиғлаб охири бир кулиб ўларкан.

ДИЛКУШОМ. Яхшидир-ёмондир сенинг борингга шуқр, неки ниятим бор, неки илинжим, сен билан, сенинг номинг билан пайваста. Нигоҳим маъвосида сен яшайсан, мен ҳам сенинг нигоҳинг паноҳида исинишни истайман. Дунёда нима бор, нима йўқ, бу мени қизиқтирмайди, фақатгина сенинг борлигинг учун ҳам, мен учун дунё

бор, сенинг бутун борлигинг бўлишини орзу қиламан, биргина табассумингни ҳам ўзгага раво кўрмайман, барча фазилатларинг, нуксонларинг билан меникисан, ДИЛКУШОМ. Бир дилбарлик, бил дилдорлик бўлса шунчалик бўлар, малаксан дейману ўйлаб қоламан, у бир нурдан яралган пари, аммо сен тупроқдан яралиб нурдан бино бўлган малакдан устун турасан. Худойимнинг барча иноятларини, бандасига инъом этган барча сифатларини сенда кўргим келади. Сен менинг яхшимсан, дилкушом!